

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

© № 227 (6. 118) © 1986 йил 2 октябрь, пайшанба © Баҳоси 3 тийин



ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

СЎЗ БИЛАН ИШ БИРЛИГИ

Резерварин тинмай излаш, илгор иш усуллари қўллаш, касб маҳоратини ошириш «Маллика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористаси М. Хисамутдиновга ўз зиммасига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиш имконини берди.


Мавлуда Хисамутдинова бирлашманинг биринчи фабрикаси тикувчилик цехига ўн йил муқаддам келган эди. Бу қиз омадани келди деб ҳисоблайди: Тамара Палидина бондич комсомол-ёшлар бригадасида меҳнат қилади. Бригада коммунистик меҳнат коллективи деган фахрли номга сазовор бўлган. Улар орасида норманж бажармайдиганлар йўқ, ҳар бир тикувчи мотористка 3—4 хил машинада меҳнат қилишни билади, бир-бирларининг ўрнида ишлаб, трикотаж буюмларини тикши бўйича турдош операцияларни бажара олади. Бунинг натижасида ой сайин топ-

шириқлар муддатидан илгари бажарилмоқда.

Бригада советининг аъзоси Мавлуда Хисамутдинова социалистик мусобақа пешқадамларидан бири, шахсий топшириқларини кун сайин, ой сайин 30—50 процент ортиси билан бажаради. Маҳсулотларини биринчи тақдимадек топшириб, дугоналарини юксак унум билан, сифатли меҳнат қилишга даъват этади.

Меҳнатдаги муваффақиятлари учун тикувчи-мотористка Мавлуда Хисамутдинова учинчи даражали Меҳнат Шухрати ордени билан мукофотланган.

Қўнчилик дугоналари каби М. Хисамутдиновани ҳам шахтёрлар В. Гвоздев ва А. Потапов, буржуйчи В. Сидорейковларнинг ташаббуси илқомлаштириб юборди. Илгор ишчи Улуг Октябр социалистик революциясининг 70 йиллигига қадар беш йилликнинг икки йили аввалини бажаришга аҳд қилди.



Комсомол аъзоси Абдуҳамид Соибжонов «Ўзавтотранс» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 145-автотранспорт корхонасининг ёш ишчиларидан. У автомашиналарнинг ёқилги аппаратураларини ремонт қиладиган слесарь бўлиб ишлайди.

Абдуҳамид меҳнат қиладиган цех замонавий, кенг ёруғ-бинога жойлашган. У ерга ўрнатилган энг янги станок ва аппаратлар автомашина қисиларини тез ва соз ремонт қилиш имконини беради. Абдуҳамид улардан фойдаланишни пухта эгаллаб олган.

СУРАТДА: ёш слесарь Абдуҳамид Соибжонов.
Л. Глауберзон фотоси.

СИБИРЬ ҚУРИЛИШЛАРИГА

СССР Темир йўллар министри қарашли Сергелдаги темир-бетон конструкциялари заводи коллективини ўз маҳсулотларининг каттагина қисmini Сибирь қурилишларига жўнатмоқда.

Корхона Надин, Ургенгой, Никитин-Вартовск, Сургут йўл қурилиши бошқармаларидан

бетон плиталар тайёрлаб бериш ҳақида кўплаб буюртмалар олган эди. Йўлсозлар йил бошидан буйи буюртмачиларга 28 минг кубометр пишмиқ плиталарни тайёрлаб жўнатишди. Бу йўл плиталари ҳар бирининг оғирлиги 4 тонна 200 килограмм келди.



«Ташхисмелаш» заводи коллективининг Жиззах областида Октябр районидан Сулов номидаги совхоз билан мустаҳкам дўстлик алоқалари боғлаганига анча вақт бўлди. Машинасозлар янги ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган бу хўжаликка мунтазам оталиқ ердами кўрсатиб келишпти. Ҳар йили совхозга завод

ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

мутахассислар бригадасини юборди. Ишчилар ўзлари билан совхознинг ремонт-асбобсозлик хўжалигини учун асбоблар, болтлар, гайкалар келтиришди. Совхоз устаносида иккита яхши станок ишлаб турибди. Бунга ҳам шахарлик дўстлар совға қилишган.

Бу йил зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кўча автоустахона совхозга 20 августда етди борди. Слесарь Александр Беренной, пайвандчи Сергей Косолапов, слесарь Николай Глазнов совхоздаги йигим-терим техникасини пахта терими мав-

сумига тайёрлашда фаол иштирок этишди. Яқинда улар Тошкентга қайтиб келишди. Кўча автоустахона эса ўша ерда қолди. У пахта йигим-терими қизгин давом этаётган кунларда совхоз механизаторларига хизмат кўрсатади.

«Ташхисмелаш» заводи коллективининг қишлоққа кўрсатаётган оталиқ ердами фақат шундангина иборат эмас. Фарғона области Тошлоқ райони марказида мазкур заводда тайёрланаётган чанглагич-пуркатчи машиналарини ремонт қиладиган ремонт-механика заводи бор. Завод коллективи мана шу корхонани ҳам ўз оталигига

олган. У ерга ремонт учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар мунтазам юбориб турилади. Бундан ташқари завод мутахассислари ҳам тез-тез бори, ремонтчиларга маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бериб туришди.


«Ташхисмелаш»ликлар бу йил 16 миллион 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар. Йил бошида таъминотда узилишлар рўй берганлиги сабабли коллектив план-топшириқларини бажаришга анча қийналган. Ҳозирги кунда бу ерда меҳнат яхши суръатлар билан борапти. Маҳсулот реализация қилиш бўйича

тўққиз ойлик топшириқ муваффақиятли адо этилди. Қишлоқ меҳнаткашларига 12 миллион сўмликдан ортиқ «ОВХ—28» маркали чанглагич-пуркатчи машиналар, гўзалроқ ўрайдиган машиналар етказиб берилди.

Корхонада меҳнатни ташкил этишнинг ягона наряд усулида ишлайдиган бригадалар кўпаймоқда. Утган йили бу ерда 37 бригада бор эди. Ҳозир эса ягона наряд усулида ишлайдиган бригадалар 43 тани ташкил этмоқда. Бу бригадаларда заводдаги жами ишчиларнинг 70 процент меҳнат қилмоқда.

Л. МУЛЮКИНА.

САНЪАТКОРЛАР ДАЛАДА



Тошкент области партия комитети ва Ўзбекистон театр жамияти правлениеси президиуми ҳамкорлигида пойтахт области пахтакорларига маданий хизмат кўрсатиш мақсадида йигим-терим мавсумида кўрсатиладиган маданий хизмат программасини ишлаб чиқилди. Бу программага йиланов пойтахтдаги барча театрлар, концерт ташкилотлари ва ижодий соҳалар коллективлари областнинг тўққизта районида учрашувлар ўтказиладилар. Ҳамза номидаги Ленин ордени Ўзбек давлат академик драма театрининг коллективи Бўжа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозига учрашув

ўтказди. Унда СССР халқ артисти Сора Эшонтураева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, постановкачи-режиссёр Рустам Хамидов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Икром Болтаев, шоир Жайдар Мухаммад қатнашдилар. Санъаткорлар театр репертуаридаги етук саҳна асаридан парчалар ижро этидилар, олиб бораётган ижодий ишлари ҳақида гапириб бердилар.

Кекса театр коллективи кун-кеча Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига «Ўғрини қароқчи урди» спектаклини намойиш қилди.

Замондошимиз



Коммунистлар етакчиси

КПСС аъзоси Роза Хазивалиевна Гатина Тошкент области агрономат комитетига қарашли сўт корхоналари бирлашмасининг иккинчи ишлаб чиқаришда мана ўн уч йилдан бери меҳнат қилиб келади. Корхонада уни ёш қари яхши танийди. «Меҳнат қилган — элга азия, деб бекиб айтишмайди. Роза Хазивалиевна ҳам ана шу ҳурмат-эътиборга фидокорона, ҳалол меҳнати билан сазовор бўлган. У коммунистик меҳнат зарбдор, шаҳар партия комитети аъзоллигига қандидат.

—Урин инсонини беэмайди, инсон ўринини беэайди деган нақл бор, — дейди Р. Гатина. —Бу демак, инсон қарсда меҳнат қилишдан қатъий назар, ўз касбинини севиши, уни сидиқидилдан адо этиши лозим. Ана шундагина меҳнат унга қувонч бағишлайди, у меҳнат билан элга наф келтираётганидан қониқиб ҳосил қи-

лади. Ҳурмат-эътибор эса шунга яраша бўлади. Мохир ишчининг ўзи ана шу принципга қатъий амал қилади. Ҳар қандай топшириқни ўз вақтида, сифатли бажаришга интилади. У меҳнат қиладиган сузма цехида ҳозир маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Р. Гатина цех партия ташкилотчиси сифатида ҳам ана шу ишларга бош-қош бўлмоқда.

Илгор ишчи, коммунистлар етакчиси шу кунларда Улуг Октябр социалистик революциясининг шонли 70 йиллигини муносиб меҳнат соғалари билан кутиб олиш учун гайрат билан тер тўймоқда. У аъзо бўлган Ш. Раҳматов бригадаси смена-топшириқларини мунтазам 120—125 процентга етказиб адо этмоқда.

СУРАТДА: Р. Х. Гатина.

Т. Каримов фотоси.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети 1986 йил 25 сентябрда «Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Кисловодск ва Ставрополь ўлкаларига қилган сафари йўналиши тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг байни бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

● 1 октябрь кунини Москвада, катта Кремль саройида йиғиний фаллар кафедралари муҳриларининг Бутуниттифоқ кенгаши очилди. Бугун газеталарда ана шу

кенгаши ҳақида ҳисобот ҳамда ўртоқ М. С. Горбачевнинг шу кенгашда сўзлаган нутқи берилган.

● 1 октябрь кунини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари хотин-қизлар ташкилотлари регионал семинари қатнашчилари билан учрашув бўлди, деб хабар қилинади газеталарда.

Газетхон—газета—газетхон

учрашувга

Редакциядаги марҳамат!

«Тошкент оқшом» редакцияси ўз муҳлис-ларидан «Газетхон—газета—газетхон» якуловчи учрашувда иштирок этишни истаб йўланган бир неча юзлаб анкета-илтимоснома-ни олди.

Шуни эслабди ўтмоқчимиз: бундай ўзаро фикр алмашувлар аввал шахримизнинг бир қатор районларида бўлиб ўтган эди. Энди эса шу йилнинг 4 октябрида соат 15 да редакцияда (Ленинград кўчаси, 32-уй) якуловчи учрашув бўлиб ўтади. Ана шу учрашувдан сўнг газетхонлар билан қилинган мулоқотга якуловчи чиқарилади, уларнинг Тошкентнинг «Оқшом» газеталарини 1987 йилда янада сермазмун қилиш, шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантириш муаммолари, унинг кўп тармоқли хўжалиги ҳолати масалаларини ёритиш билан боғлиқ бўлган тақлифлари чуқур таҳлил этилади.

Биз ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, турли касбдаги, турли ёшдаги 40 нафар «Оқшом» муҳлисларини редакцияга тақлиф эта-миз. Тошкент таъриб механика заводининг слесари Н. П. Ключников, актёр, М. Горький номидаги театр партия ташкилотининг секретари С. Коноплев, педагог А. П. Русина, ТЭЦСМ ишчиси Н. Ю. Раҳимбеков, компози-тор Р. А. Абдуллаев, Тошкент театр ва рассом-лик санъати институти ходими Д. П. Глуздов, медицина санъати илмий-тадқиқот институти-нинг ходими С. М. Грабовский, Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикув-чиси М. К. Аҳмедов, ядро физикаси ин-ститутининг аспиранти Х. Х. Тўраев, Бутунитти-фоқ хирургия илмий марказий филиалининг ходими Г. С. Давидзон, пенсионер М. П. Нау-мова, электр-механика буюмлари заводининг электр-слесари Н. А. Севастьянов, чет тиллар педагогика институтининг ўқитувчиси Н. П. Кучи, иқтисодлаштирилган трест ишчиси Л. П. Гаранин, кооператив техникаси IV курс сту-денти А. А. Бойматов, маъий хизмат кўр-сатиш ходими Л. А. Паракшина, шаҳар тех-никлар уйи катта инженерни С. С. Орипов,

шахсий пенсионер Ф. Нуриддинов, ихтисос-лаштирилган илмий-ишлаб чиқариш бирлаш-масининг катта инженери П. И. Терехов, халқ хўжалиги институтининг студенти Р. Т. Отахо-нов, маданият институтининг ўқитувчиси М. М. Нейматов, ВНИИпрогмаз Урта Осиё филь-алининг илмий ходими З. А. Штейн, тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси З. Хошимова, пенсионер А. А. Аҳмедов, Ле-нин район халқ маорифи бўлими ходими Ж. Б. Бобоев, Тошкент Давлат консервато-риясининг доценти Р. Нейматов, меҳнат вете-рани, пенсионер К. Г. Володина, «Главаш-кентстрой» 70-курлиги бошқармасининг ар-матураси О. Қ. Қорабоев, «Ташметрополи-тен» медицина ҳамшираси С. С. Қўлдошева, Оржоникидзе районидеги ВЛКСМ 60 йиллиги номи совхоз ишчиси Т. Нишонхўжаев, уруш ва меҳнат ветерани, 4-поликлиника врач-и Е. В. Кромонт, Чилонзор почта алоқаси уз-лининг катта инструктори В. И. Трофимова, Ўзбекистон ССР Давлат меҳнат комитети хо-димиси А. А. Гуловнов, «Главашкентстрой» ку-рувчиси С. Я. Ивонин, УЗНИИИТИ инженерни О. И. Кравченко, меҳнат инвалиди П. А. Чер-тисовцев, «ТашЭМЗ» электр-слесари А. А. Ба-ранов, музикашунос, санъатшунослик канди-дате Н. Н. Комаха, 2521-автотолонна катта инженерни В. В. Титов, адабиётшунос, филь-алар фанлари кандидати И. Х. Забировлар редакция меҳмони бўладилар.

Редакцияга ўз анкеталарини йўллаган барча газетхонларга биз миннатдорчилик билдири-ми, уларнинг ҳаммасини, барча газетхонларни редакцияга бўладиган учрашув иштирокчил-ри деб ҳисоблаймиз.

Шанба кунини, 4 октябрда соат 15 дан соат 17 га қадар редакциянинг аналй учрашувлар давра столи атрофида бўладиган давра столи телеобларини ана бир бор эслабди ўтамиз: 33-99-42 ва 32-53-66.

Сизларни, сизларнинг қўнғироқларингизни, саволларингиз, тақлиф ва фикр-мулоҳазала-рингизни кутамиз.

«Мақсадимиз—соғлом турмуш»

кеча

тўқимачилик комбинатининг маданий саройида «Мақса-димиз — соғлом турмуш» Бутуниттифоқ кўчама-наставка ташкил этилди.

Бу кўчамағма марҳамат қилаётган кишилар мамлака-тимиз меҳнат коллективлари, касаба союз ташкилотлари,

маданий-оқартув муассасала-рининг ичкиликбозлигига қар-ши курашни пропагандаласини ташкил этиш, меҳнаткашлар-нинг буш вақтларини мазму-ли ўтказиш борасида олиб бораётган тадбирлари билан танишмоқдалар.

Кўчамағмада иш бошлаган консултация пунктида юристлар, врач-наркологлар, педагоглар, пазандалар, Бу-туниттифоқ хушёрлик учун

қураш жамияти шаҳар таш-килоти ходимлари ва акти-вистлари тингловчилар билан суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Новосибирск шаҳридан келган бу кўчама кўрғазма билан аввал Москва, Ниль-носк, Саратов, Ставрополь, Кипшиёв, Перм, Иркутск, Чита шаҳарлари аҳолиси та-нишган.

Ш. НОРКУЛОВА.

БУГУН ЎЙИН ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Шахмат

Кеча Ленинградда совет гроссмейстерлари Г. Каспаров ва А. Карпов ўртасидаги жа-ҳон биринчилиги учун реванш

матчида 21-партия ўйналди. Бу сафар оқ донларини А. Кар-пов бошқарди. Партия тугал-ланмай қолди. Г. Каспаров ўз-

нинг 41-юршисини ёзиб қўйди. Бугун шу партия давом эт-тирилади. Ҳозирча ҳисоб — 10:10.

РЕСПУБЛИКА ОБЛАСТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁР-ЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 1 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буйи.

Фарғона	1,38	44,29
Бухоро	1,98	36,01
ҚАССР	3,17	32,57
Хоразм	3,25	32,45
Сурхондарё	2,14	25,43
Наманган	0,89	23,11
Тошкент	0,31	22,72
Қашқадарё	0,70	16,68
Анджон	0,58	16,64
Самарқанд	0,70	16,31
Навоий	1,20	15,72
Жиззах	0,46	13,40
Сирдарё	0,21	10,02

Республика бўйича: 1,28 24,00

Пойтахтимиз меҳмонлари

Қувноқ ва завқли томоша

Мана бир неча кундан буён Тошкент Давлат цирк пойтахтимиз томошабинлари ва меҳмонлари билан гавжум. Бу ерда биринчи марта йиртқи ҳайвонлар иштирокида томошалар кўрсатиш бошланди. Бу ҳайвонларни ўргатувчи Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Михаил Багдасаров. У икки бўлимдан иборат қизиқарли программада томоша тайёрлаган. Унда уч кишидан иборат қизиқчилар гуруппаси Владимир Русанов, Павел Богачук ва Мартирос Кешчанов қатнашмоқдалар.

Цирк шундай қувноқ ва завқли санъат турики, уни биз болалигимиздан буён берилиб томоша қиламиз.

Айниқса болалар ундан бир олам завқ олишади. Йиртқи ҳайвонларни ўргатувчи моҳир санъаткор Михаил Багдасаров ўзининг гоёта мурнаб ва кишини ҳайратда қолдирадиган касб сирлари билан ўртоқлашди.

— 40 минутли томоша чоғида цирк санъати воситалари билан арман халқ достони афсонавий қаҳрамони Давид Сасунский бошидан кечирган саргузаштлар ҳикоя қилинади. Бу цирк томошасини ҳозирлашда бир қатор санъаткорларнинг меҳнати синган. Арманистон ССР халқ артисти Вилан Галстян сценарий устида ишлашда яқиндан ёрдам берди. Республика



халқ рассоми Роберт Элибеян декорациялар тайёрлади ва РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Вилан Галстян унинг постановка қилди. Бу томошада буюк арман бастакори Арам Хачатурянининг «Спартак» ва «Гаянэ» балетлари мизикасидан моҳирона фойдаланилган.

Йиртқи ҳайвонлар иштирокидаги томошалар пойтахтимиз аҳолисига манзур бўлмоқда.

Е. БОТИРОВ.

СУРАТЛАРДА: Тошкент циркида намоёниш этилаётган йиртқи ҳайвонлар иштирокидаги программадан лавҳалар.

Автор фотолари.



реклама эълонлар реклама

М. Қориеқубов номидаги ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН номидаги СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОИДА

3, 4 октябрь соат 20.00 да

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган, Ўзбекистон Ленин комсомолнинг лауреати

«ЯЛЛА»

ВОКАЛ - ЧОЛҒУ

АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Ансамблининг бадий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фарух ЗОКИРОВ.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун завкалар қабул қилинмоқда.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМСОМОЛ КОМИТЕТЛАРИ

3, 4, 5, 6, 7 ОКТЯБРЬ

СОАТ 19.30 ДА

«ДИАЛОГ»

ЕШЛАР КЕЧАСИНИ

ЎТКАЗАДИ

ПРОГРАММАДА:

республика олий ўқув юрлари, мишистрликлар ва идоралар, Тошкент шаҳар совети ижроия комитети раҳбарлари, комсомол ходимлари билан;

— етакчи ёшлар театр студиялари коллективлари, оригинал жанр артистлари, «эмоционал» пластика ва хореография» раёс гуруппалари билан ўрашувлар ва «КАРДИО» дискотекларининг янги программаси.

Билетлар олий ўқув юрларининг вакиллари томонидан ва «Юбилей» Марказий спорт зали кассаларида сотилмоқда.

КАССАЛАР ҲАР КУНИ

СОАТ 12.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ХЎРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

4, 5 ва 6 ОКТЯБРДА

К. МАРКС КЎЧАСИДА ЁЗЛАДИГАН «ОБИ НОНЛАР ВА ПАЛОВЛАР КҮНИ»-ГА

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

АНА ШУ КҮНЛАРИ ПАЗАНДАЛИК САНЪАТИНИНГ ЭНГ ЯХШИ УСТАЛАРИ СИЗЛАР УЧУН 30 ХИЛ РАҲ-БАРАН — ФАРРОНАЧА, ХОРАЗМЧА, БУХОРАЧА, САМАРҚАНДЧА, АНДИЖОНЧА, ҚАШҚАДАРЧА, ОЗАРБАЙЖОНЧА, АРМАНЧА, ХАВАСКОРЛИК ПАЛОВЛАРИНИ, УСТА НОНВОЙЛАР ЭСА 15 ХИЛДАН ОРТҚИ ЎЗБЕК МИЛЛИЙ — ТҶИ НОН, ЛОЧИРА, ЖИЗЗАЛИ НОН, ҚАТЛАМА НОН, ШИРМОЙ НОН, КУЛЧА НОН, СУТЛИ НОН, — ОБИ НОНЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИЛАР.

ТОШКЕНТ ШАҲАР УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМСИ ТАШКИЛ ЭТГАН «ОБИ НОНЛАР ВА ПАЛОВЛАР КҮНИ» БАЙРАМИ СОАТ 18.00 ДА БОШЛАНАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА БАДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА МАКТАБЛАР ВА МАДАНИЙТ САРОИЛАРИНИНГ ДИРЕКТОРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

«Белорусь», «Диринка», «Акорда», «Рига» пиванино (телефон 77-14-31).

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР ВА БАДИЙ КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА МАКТАБЛАР ВА МАДАНИЙТ САРОИЛАРИНИНГ ДИРЕКТОРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

«Белорусь», «Диринка», «Акорда», «Рига» пиванино (телефон 77-14-31).

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ТАШХОЗТОРГ»

МАГАЗИНЛАРИ

1987 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИГАЧА

ЭЛЕКТР МОЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭҶТИЕТ ҚИСМЛАРИ, МЕТАЛЛ ИДИШЛАР ВА ТИҚУВ БУЮМЛАРИНИ МАЙДА УЛГҶРЖИ САВДО ИЪЛИ БИЛАН, ЛИМИТГА ҶИСОВГА ОЛМАСДАН ПУЛ ЎТКАЗИШ ИЪЛИ БИЛАН

СОТАДИ

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

1 — Пролетар кўчаси, 49-уй. Телефон 32-45-60.

3 — Истикбoл кўчаси, 1-уй. Телефон 90-36-97.

4 — Фарход кўчаси, 17«а» уй. Телефон 77-22-42.

5 — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 24-уй. Телефон 44-18-61.

8 — Черданцев кўчаси, 22-уй. Телефон 67-37-54.

11 — Энгельс кўчаси, 46-уй. Телефон 33-32-17.

14 — Қўйлиқ-4 массиви, 21-уй. Телефон 90-18-05.

16 — Морозов кўчаси, 25-уй. Телефон 62-15-13.

22 — Муқимий кўчаси, 4-уй. Телефон 77-73-20.

23 — Волгоград кўчаси, 14-уй. Телефон 78-40-10.

25 — Навоий кўчаси, 24-уй. Телефон 41-21-50.

27 — Мирзаахмедов кўчаси, 1-уй. Телефон 35-06-69.

30-Навоий кўчаси, «Дўстлик» ярмаркаси, телефон 33-76-08.

«ТАШХОЗТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

«ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт залида

СССР Биринчилиги учун Биринчи лига командалари ўртасида

ХОККЕЙ

7-8 октябрь соат 18-30 да

«БИНОКОР» (Тошкент)

— «АВТОМОБИЛИСТ» (Қарағанда).

11-12 октябрь соат 17.00 да

«БИНОКОР» (Тошкент)

— «ТОРПЕДО» (Усть-Каменогорск).

25-26 октябрь соат 17.00 да

«БИНОКОР» (Тошкент)

— «СИБИРЬ» (Новосибирск)

Билетлар «Юбилей» марказий спорт зали кассасида сотилмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-67-53, 46-68-77 администратор; 46-03-12 46-70-31 — касса.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

ДА — Тошкентда биринчи марта «ЙИРТҚИ ҲАЙВОНЛАР» аттракционининг гастроллари (19.30).

АСАБ ЧЕГАРАСИ

О. ЧАРУШНИКОВ.

Ҳажвия

Бўлим бошлиғи Петр Николаевич Рашенцев кабинетидан чиқиб, инженер Брюков столи томон ақинлашди. Лога-рифмик чизгич билан «Шактёр» командасининг бў-лаб имкониятларини ҳи-соблаётган Брюков бошини кўтариб унга қаради. Улар-нинг нигоҳлари учрашди.

«Ҳозир мана, паррандачиллик фермаси лойиҳаси нима бў-ляпти деб сўрайман», — Петр Николаевич раҳбарларга хос фикр юртди.

Саросимага тушган Брю-ков:

«Тўсатдан у, хўш парранда-чиллик фермасининг лойиҳаси нима бўляпти деб сўраб қолса!» — ўйлади.

Петр Николаевич ўйланб: «Бордию у, биласизми ҳали лойиҳа тайёр эмас, чуқини...»

Брюков ўйланб: «Мен да-дил, ҳали лойиҳа тайёр эмас, деб жавоб қилман, чуқини...»

Петр Николаевич ўйланб: «Унда мен жиддий савол берман: нега тайёр эмас!»

Брюков ташвишланиброк ўйларди:

«Бордию у ҳозир сўраб, нима сабабдан бундоқ бў-ляпти десая!»

Петр Николаевич эса ўй-ларди: «Бордию у, нима са-бабдан бўларди, чуқини мен карам йиғиштиришга борган-дим десая».

Брюков ўйларди: «Менин-г унга жавобим тайёр. Мен карамде эдим, сабаби шу! Едингизда бўлсин, мени ша-сан ўзингиз юборгансиз!»

Унда: «Карам карам билан, бироқ лойиҳани ҳам ўз вақ-тида топшириш керак!»

қатъиян ўйларди Петр Ни-колаевич.

Саросимага тушган Брюков ўйларди: «У менга эса: ка-рам карам билан, бироқ марҳамат қилиб, лойиҳани ҳам ўз муддатига топшириш ке-рак десая...»

Рашенцев ўйларди: «У менга бўлимда ўн киникта одам бор, аниқ қарамага шахсан мени юбордингиз!»

Юборганда ҳам бир ҳафтага. Гава кўтариши мумкин. У шунақа тоифали одамлардан.

Брюковнинг кўрсилги тутиб ўйланарди: «Мен ўнинг юзига айтман: «Бўлимда ўн икки-та бири иккинчидан бақув-ват полвонлар туриб, карам-га мени тикишган, қолаверса салкам бир ойга. Шунақанги жанжал кўтарайки! Керак бўлса катта бошлиқча бора-ман!»

Ташвишлана бошлаган Рашенцев ўйларди: «Йўқ, яхшиси ҳеч нарсани сўрамай-ман».

«Яхшиси ҳеч нарса сўрамай қўяқол!» — мағрурона ўйлар-ди Степан Степанович Брю-ков.

Рашенцев йўталди-да ва сўради:

— Ишлаяпсанми!

— Ҳа, Петр Николаевич, иш-лаяпман... — жавоб қилди Брюков.

Рашенцев эса:

— Ҳа, яхши ишлайвер, иш-лайвер, — дедида ўз кабинет-га кириб кетди. Иш столига ўтириб пешонасидан терларини арта бошлар экан: «Ҳа, буна-қа ходимлар билан ишлаш учун жуда ҳам муштаккам асаб керак. Шақ-шубҳасиз эллинка кирмасдан инфаркт қилишадин».

Елғиз қолган Брюков эса:

«Бунақа бошлиқнинг қўл ости-да ишлаш азобку! Тезда сочларинг оқариб бўлади. Нима бўлганда ҳам, бу ердан кетниш керак!»


Иккинчи ҳам ўзларини енгил ҳис қила бошлашди.

Русчадан.

Д. МАХМУДОВ таржимаси.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

МОТОЦИКЛ-ЁШЛАР ТРАНСПОРТИ



МОТОЦИКЛ ОЛИС МАНЗИЛЛАРГА ТЕЗ ЕТИВ БОРИШДА ҚУЛАЙ ТРАНСПОРТДИР. «ИЖ» «ВОСХОД», «ТУЛА» МОТОЦИКЛАРИ ИСТАЛ-ГАН ИЪЛЛАРДАН БЕМАЛОЛ ЎТИВ БОРАДИ.

Бу икки гилдиракли «саман»ларнинг фазилати уларнинг енгил қайрилиши, ҳайдаш осонлиги билан ажралиб туради.

«ИЖМАШ» ишлаб чиқариш бирлаш-маси «ИЖ ЮПИТЕР» ва «ИЖ ПЛА-НЕТА» мотоциклларининг бешинчи «авлоди»ни тайёрлаб чиқармоқда.

Энг кейинги модификация: «ИЖ ЮПИТЕР-5 ЛЮКС» кўриниши яхши-ланган:

«ИЖ-ЮПИТЕР-5 ТУРИСТ» олис манзилларни сайр қилувчи ҳаваскор-ларга аталган. Махсус эҳтиёт гилдира-ги билан жиҳозланган: оддий «ИЖ ЮПИТЕР-5» йўл мотоцикли ва шу асосда ишланган кажавали тула ортил-ган юк билан енгил кўзгалади ва дово-ларга тез кўтарилади.

«ЮПИТЕР-5» двигатели билан жиҳозланган (кажавасиз) мотоцикл те-зли-гини соатига 125 километргача чиқара олади.

ДЕГТЯРОВ номидаги КОВРО-ВЕЦ «ВОСХОД» ЗАВОДИНИНГ МО-ТОЦИКЛАРИ — таққи кўриниши чи-роғли, ишончи, соатига 105 кило-метргача тезликда юради. Ана шу марка тақомиллаштирилиб, «ВОС-

ХОД ЗМ» «ВОСХОД З М СПОРТ», «ВОСХОД-З М ЛЮКС» хиллари чиқ-арилган. Бу мотоцикллар олдинга ша-молни тўсувчи пластмассали ойнабанд қоплама ўрнатилган: олдинги вилкаси ҳимоя сиртсиз енгил ишланган, эгари қулай шаклда: хавфсизлик дўғаси бор.

ТУЛА МАШИНАСОЗЛИК ЗАВО-ДИНИНГ «ТУЛА» МИНИ-ВЕЗДХОД МОТОЦИКЛАРИ ГЕОЛОГЛАР, ОҶ-ЧИЛАР, ТУРИСТЛАРГА АТАЛГАН. Бу мотоцикл шинаси энди бўлганлиги учун ҳам қийин жойларда беамол юради. Мотоцикл тезлигини соатига 85 километргача етказди. 100 кило-метр масофага А-76 маркали бензин-дан атиги 3,6 литр сарфлайди.

«УЗСПОРТТОРГ» МАГАЗИНЛА-РИДАН АНА ШУНДАЙ МОТОЦИКЛ-ЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ВА КРЕДИТ-ГА

СОТИВ ОЛИШ

МУМКИН

МОТОЦИКЛАР БАҲОСИ 20 ПРОЦЕНТ АРЗОНЛАШГАН.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛА-МА САВДО ТАШКИЛОТИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУН-ИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТ-ЛИГИ.

